# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1999 йил, 22 июн

25 (198)- сон


*Замон шарҳлари*

## АЙНИГАНЛАР

***Ўтказилаётган янгиланиш ва ислоҳотлар йўлини, амалга оширилаётган барча ўзгаришларни халқимиз қўллаб-қувватлаётганини кўрсатмоқда. Биз Ўзбекистон халқини ҳеч нарса билан қўрқитиб бўлмаслигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Чунки ўтган давр мобайнида одамларнинг ўзи, уларнинг тафаккури, ҳаётга бўлган муносабати мутлақо ўзгарди.***

***Барчага мана шу оддий ҳақиқат аён бўлиши керак, ўз тақдирини ўз қўлига олган, эркинлик ва мустақиллик ҳавосидан бир бора кўксини тўлдириб нафас олган, танланган тараққиёт ва фаровонлик йўлининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилган ҳар қайси одам ва бутун бир халқ ҳеч қачон ўз эътиқодидан қайтмайди.***

***ИСЛОМ КАРИМОВ***
***«Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда»***

Ҳаёт жуда бой эди. Йўлларни ёқалаган кенг далаларда ғаллазорлар шовуллаб ётарди. Бошоқлари тўлган ва сарғая бошлаган буғдойларнинг вазмин чайқалиши табиат ва одам умрининг абадиятига ўхшарди. Мақомлар шу буғдойзорларнинг чайқалишидан яралган бўлса керак деб ўйладим.

Учрашувлардан таассуротларга тўлиб, ҳориб-толиб қайтдик. Шинам замонавий ойнаравонли қўналғамизга ёз офтобининг узун шуълари тушар ва порилларди.

Ичкарида кираверишдаги кенг залнинг бурчига қўйилган телевизорда янгиликлар охирлаб қолган, гезарган бир йигит шаҳардаги гавжум бинонинг биқинига қандай қилиб машинани қўйиб кетганлиги, машинанинг ичида нима борлигидан хабарсизлиги, автобусга ўтирганидан сўнг портлаш товушларини эшитганлигини сўйларди. Унинг ҳикояси жуда силлиқ эди. Балки ҳаддан ташқари силлиқ эди деса ҳам бўлади. Сўзамол қиссахонлар чўпчакларни шундай текис сўйлайдилар. Сўйлаётган йигитнинг ён-верида бир қанча худди унга ўхшаган йигитлар бошларини ердан кўтармай, баъзан қашинишиб, ўз ўйларига ботиб панжара ичида ўтиришарди.

Телевизор янгиликларнинг бошқа саҳифаларига ўтди. Кўнгилга оғир хиралик оралади. Бояги кўтаринкилигимизга дарз кетди.

Умуммиллатга дахлдор бир фожианинг ғуссаси тилимизни лол қилиб қўйди. Нафас ростлаш учун ўз хоналаримизга йўл олдик.

Зал ёп-ёруғ, ғоятда нурафшон эди. Хона эшигига етмасдан берида, бурчакда жуда совуқ бир нима эътиборимни тортди. Бурчакда узун қора илон тўлғаниб ётарди. Одамнинг ақли бовар қилмасди: «Бу ерда илон нима қилади?» Яқинроқ бориб қарадим. Шак-шубҳа йўқ. Ҳақиқатан ҳам, илон. Залнинг деворлари ва поли саҳни ойнадай тиниқ, силлиқ ва ўта чиройли кафел билан ишланган, илон ойна кафел устида ўрмаламоқчи бўлиб ҳаракат қилар, тўлғанар, ғалати, одамнинг этини жунжиктирадиган овоз чиқарар, лекин бутун ҳаракатлари зое кетар, яна турган жойининг ўзида ўралиб кулча бўлиб қоларди. Бизнинг қорамизни кўриб унинг ваҳимаси ошди, боягидан ҳам батарроқ куч билан қочишга уринди. Лекин тагида уни суяйдиган ҳеч нарса йўқ, у яна чириллаб ётган ерида айланиб ғужанак бўлиб қолар, яна ва яна бўйнини чўзиб қочиш пайида бўлар, лекин тагидаги силлиқ ойна бунга йўл бермасди. «Э шўрлик! Нега бу ерга кириб қолдинг! Бу ер сенинг маконинг эмас-ку», дедимда, кўзимни илоннинг талваса тўлғонишларидан узмай шеригимни чақирдим:

— Аббосхон! Аббосхон! Бу ёққа қаранг! Тез келинг! Тез!

Нариги томонда хонасининг эшигини очаётган ҳамроҳим нима экан деб югуриб келди. Унга талваса ичида хунук тўлғанаётган илонни имо билан кўрсатдим. Ҳамроҳим:

— Ўҳў! ўҳў! — деди камоли ҳайратга тушиб. — Бу экстремист қаердан келиб қолди?!

У шошманг, мен ҳозир... — деди-да, чамаси бу ернинг нигоҳбонларини қидириб кетди. Сал ўтмай бу ерга қараб турадиган жуда сертавозе йигитни бошлаб келди. Йигит илонни кўрдию: «ийе, ийе, бу қаердан келиб қолди? Ҳеч бу ерларда бўлмас эди», деб ўз бўлмасига югуриб кетди. Зум ўтмай у синтетик челак ва супурги кўтариб келди. Ҳамон тўлғанишдан тўхтамаган илонга челакни тўғрилади-да, супурги билан уни челакка шипирди. Илон ўзини жон ҳолатда чарсиллаб ура бошлади. Челакдан сапчиб чиқишга уринди. Йигит уни супурги билан қаттиқ челак тагига босди ва шитоб билан ташқарига олиб чиқиб кетди.

— Э-э-э, ўлдирманг, ўлдирманг! — деди ҳамроҳим. — Каналга қўйиб юборинг, каналга...

Инсон раҳмдил. Илонни-ку каналга ташлаб юборди. У қайларгадир канал билан бирга оқиб кетди. Аммо биз икки кунгача ўйлаб юрдик. Бу муҳташам, ўта замонавий қўналғага қора ингичка илон қаердан келиб қолди деб. Кўҳна тўқайзорлар, ботқоқликлардан келиб қолдими? Қайси зах кавaклардан чиқди? Ойнаванд муҳташам зал унинг зали эмаслигини билмайдими? Бу ерда унга емишлар ҳам топилмаслигини англамайдими? Ажаб замон ва макон туйғусини йўқотган илон экан бу!

Ёки ҳеч ким йўқ залда телевизорда суд залидан берилаётган репортажни томоша қилдимикин? Ўзига ўхшаган замондан адашганлар, фикри бузуқ, мияси айниганларнинг тўлғанишларига маҳлиё бўлиб турдимикин?

Экстремистлар...

Улар нималарга суянадилар? Улар хизмат қилаётган ақида аслида ақидамикин? Аслида энг хунук, энг машъум йўлларни танлаб ҳокимият учун кураш эмасмикин бу? Мана улар, панжара ичига тушгач, йиғлаб кўзёши қилиб турибдилар. Бу оби дийдалар уларни янада аянчли қилиб кўрсатади. Бу оби дийдалар уларнинг ғоя-ақида курашчиси эмасликларини яна бир карра ошкора этади. Улар кимларгадир косов бўлганлар, холос. Лекин бу косовлар билан ўт ёққан қўллар ҳамон зулмат ичида, ҳамон номаълум. Наҳот бу айниганлар мана шундай кунга тушишлари мумкинлиги ва ҳатто муқаррар эканлигини сира ўйлаб кўрмаганлар? Конституцияга қарши ҳаракат энг оғир, кечирилмас жиноят эканлигини наҳотки ўйлаб кўрмаганлар?

Нега улар истиқлолга хизмат қилмадилар?

Бир халқнинг тақдирида истиқлол, озодликдан кўра қимматли яна нима бор! Нега улар озодликка хизмат қилмадилар?

Улар учун доқиюнусдан қолган «халифачилик» ёки «ваҳҳобийлик» ёки яна аллақандай «...чилик-чиликлар» ҳамма нарсалардан ва ҳатто истиқлол ва ҳатто озодликдан ҳам муҳим эканми?

Асло!

Уларнинг кўзларини қайлардандир, чекка-чеккалардан келаётган жуда қалин бойлик, пул жилваси қамаштириб қўйган. Шу жилва қошида улар ожиз бўлиб қолганлар. Ўзларининг ким ва нима эканликларини унутганлар. Ченга борганлар, Афғонга ўтганлар, яна ва яна аллақайларда бўлганлар... жилвагоҳларда аҳд-паймон қилганлар.

Хўш, кейин нима бўлиши керак эди?

Кейин кимлар чиқарди саҳнага?

Алҳазар! Алҳазар!

Шу йиғлаб турган болалар кимларга йўл очмоқчи эдилар?

Алҳазар! Алҳазар!

Қадимдан қолган ҳикмат бор: исёнчи ҳар нарсадан маҳрум бўлур. Экстремизмнинг бутун табиати адолатсизлик асосига қурилган. Экстремизм ҳеч қайда, ҳеч қачон қон тўкиш, маҳв этишдан тойган эмас.

Лекин уларга энди ер юзида жуда оз жой қолди. Жуда оз шароит қолди.

XXI асрда бу аянчли, фожиали, машъум иллатга инсоният орасида ўрин бўлмаяжак.

Халқимиз жаҳолат йўлини эмас, маърифат йўлини танлаган. Ўз тақдири ва ўз келажагини шу йўлда кўради, шу йўлда қуради, шу йўлда эришади.

**ИБРОҲИМ ҒАФУРОВ**

ИСТИҚЛОЛ: 8-ДОВОН

## XXI АСР БЎСАҒАСИДАГИ ЎЙЛАРИМ

***Мактабларда етуклик имтиҳонлари ўтди. Ёшларнинг яна бир янги авлоди ҳаётга учирма бўлди.***

***Бу йил ижтимоий йўналишдаги махсус республика гимназияси ўз бағридан биринчи қалдирғочларни мусаффо ҳаёт сари кузатди. Ўқувчиларимизнинг ёдида: бу гимназия талабаларининг ижодий ишлари билан таништирган эдик. Гимназия ўқувчилари «МТ» билан ижодий ҳамкорлик қилиш истагини билдирган эдилар. Биз қуйида бир қатор қалдирғочларнинг катта ҳаёт бўсағасида туриб қилган орзу-ўйларини эътиборингизга ҳавола этамиз. Оқ йўл сизга, азизлар!***



### ОЗОД ВАТАНИМ XXI АСРДА

**Бу ватанда бир ватан**
**Сўрмоқни истайдир кўнгил.**
**Беқафас қушдек ўзин**
**Кўрмоқни истайдир кўнгил.**

**Э. ВОҲИДОВ**

Ватан! Қандай азиз, улуғвор, муқаддассан!

Ҳаётимнинг боиси, қувончимнинг манбаи, ижодимнинг илҳомисан, жонажон ва меҳрибон, онамсан. Қалбимдаги эзгу ниятларимнинг тимсоли, мужассамисан. Ҳақиқат учун курашган боболарнинг, улуғ олимларнинг, алломаларнинг Ватанисан.

Ватан! Сен қандай сирли маконсанки, сени деб халқлар қўлга қурол олиб, жангга кирганлар, сенинг қандай жозибанг борки, эгаларинг бегоналарга бергиси келмайди. Тангримнинг улуғ неъмати бўлган Ватан учун ҳаётларини қурбон қиладилар.

Ҳа, Ватан она каби яккаю ягонадир, азиздир, мукаррамдир, севимлию бир умрлидир.

Она-Ватан деймиз. Бу сўздан тепасиздаги мовий осмон, сахий замин, кенг далалар, сокин ўрмонлар, тошдан-тошга урилиб тушаётган зилол сой сувлари намоён. Биз оналик туйғусини ватан туйғуси билан боғлаймиз, чунки Ватан онадир. Ватанга ва онага бўлган муҳаббатсиз яшашнинг мазмуни йўқ. Шу ўринда мен Абдулла Ориповнинг қуйидаги мисраларини яна бир бор ёдга олгим келди.

**Бу ёруғ оламда**
**Ватан биттадир**
**Биттадир дунёда**
**Она деган ном.**

Онамизни қандай севсак, Ватанни ҳам шундай севишимиз, ардоқлашимиз керак. Ўз ватанини севиш, у билан фахрланиш она Ватан бахт-саодати йўлида, унинг манфаатлари учун курашиш демакдир!

О, Ватан! Сенинг ҳажрингда кимлар оҳ чекмаган?

Ўғлинг Бобур бир тилим қовунни соғиниб, ўзга юртларда жон берди. Фурқатинг эса бир сиқим тупроғингга зор бўлиб, ёт элларда армон билан кўз юмди.

Ватанимиз Ўзбекистон 1991 йил 1 сентябр куни ўзининг мустақиллигини қўлга киритди. Мустақилликка эришган жамиятимизда содир бўла бошлаган ҳурлик шабадалари мудроқ вужудларимизга шижоат солди. Ахир бундай ёруғ кунлар келишини биз, ўзбеклар, қанчалар орзиқиб кутдик, неча минглаб ботир юраклар бундай озодлик кунлари учун қурбон бўлганлар. Истиқлол туфайли биз ўз байроғимизга, қомусимизга, мадҳиямизга, гербимизга эга бўлдик. Ҳаммамизга маълум, ҳозирги даврда мамлакатимизда янги жамият қуриш, янгича давлат бошқариш ишлари кетаяпти. Биринчи марта бизнинг байроғимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси қошида мағрур ҳилпиради. Ўзбекистоннинг мустақиллигини жаҳондаги 160 дан ортиқ давлат тан олди. Юртбошимиз Ислом Каримов жуда кўп мамлакатларда расмий сафарда бўлди. Жаҳоннинг илғор давлатлари ўз элчихона, ваколатхоналарини очди. Бу ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Ҳозир қаерга бормайлик, завод-фабрикалар, дўконлар, баланд бинолар, истироҳат боғлари қурилаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

**Менинг ҳур Ватаним,**
**нурли бўстоним,**
**Таърифингга сўз**
**тополмасдан тилим лол.**
**Буюклар макони —**
**Ўзбекистоним,**
**Чиройингни очди**
**Истиқлол.**
**Атрофда озодлик**
**шамоли елар,**
**Қувончга шерикдир**
**юксакда Қуёш.**
**Тулпор отин ўйнатиб**
**Бахт келар**
**Ширин сўз-ла кутиб**
**олар қари-ёш.**

Ҳур Ўзбекистоннинг эрксевар халқи ўз истиқлолининг ҳар йилини зўр мамнуният билан шукрона кутиб олмоқда. Биз ўз роҳнамамиз Ислом Каримовнинг эл-юрт фаровонлиги йўлидаги саъйи ҳаракатларига жавобан унинг доно маслаҳатларига амал қилиб, Ўзбекистон келажаги буюк, башарият ҳавас қилса арзигудек мамлакатга айланажагига умид билан яшамоқдамиз.

Инсоният, мамлакатлар ва халқлар ҳаётида XX аср поёнига етмоқда. Ишончим комилки, бизни, ҳозирги Ўзбекистонда истиқомат қилувчиларнинг кўпчилиги тирикчилик ташвишларию воқелик муаммолари билан бирга: «Бу ёруғ оламда биз киммиз ва не бир сир-синоатимиз, қаёққа қараб кетаяпмиз? Инсоният янги XXI асрга қадам қўйганида бизнинг ўрнимиз қаерда ва қандай бўлади?» — деган саволлар ўйлантириши табиий.

Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон кундан-кунга гуллаб-яшнамоқда ва буюк келажакка интилмоқда. Ўз мафкурасига эга бўлган Ватанимиз илғор ривожланган мамлакатлар қаторида ўз мавқеини мустаҳкамламоқда. Бу Ватанимиз сиёсий соҳасини, давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини, иқтисодиёт соҳасини янада ривожлантириш демакдир.

XXI асрга интилиш билан бирга жамият маънавиятини юксалтириш керак. XXI асрга интилиш даврида биз ҳақ-ҳуқуқимизни танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат-ла ёндошадиган, айни замонда, шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак.

**Гўзал ҒУЛОМОВА,**
**II «А» синф.**

**Давоми иккинчи бетда**

*Афкор дурдоналари*

## ДОНОЛАР ВАҚТ ҲАҚИДА

*Қадрли бўлай десанг, вақтнинг қадрига ет.*

***Вақт ўтяпти, дейсан. Бўлмаган гап, вақт жойида турипти, биз ўтиб кетябмиз.***

**Ҳазрати Жунайд Бағдодий**

*Вақтни қўлдан бой бераётган бўлсанг, вақт ҳам сени бой бераётганини унутма.*

***Вақт Яратганнинг омонатидир, бас шундай экан, уни бесамар ўтказиш Тангрига қарши хиёнатдир.***

*Ҳаёт вақтдан бўлак ҳеч нарса эмас, бинобарин, вақтдан ютқазганинг ҳаётингни ютқазганингдир.*

***Дунёдаги барча нарса йўқолса топилиши мумкин, фақат йўқотилган вақт топилмайди.***

*Вақтнинг қадам товушлари эшитилмайди.*

***Вақтингни бекорчи гапларга сарфлама, негаки ҳар лаҳзанинг ҳисоби олдинда.***

*Вақт — тез учар қуш.*

***Ҳар нарса ўз вақтида бўлгани яхши. Қариган чоғингда ўйин-кулгу ва кўнгил хушликларни ёшларга қолдир.***

*Вақтнинг баҳоси йўқ, аммо ҳақиқат вақтдан ҳам бебаҳодир.*

**Бенжамин Франклин**

***Дақиқаларнинг қадрига етгин. Ўшанда соатлар ўз қадрига ўзи етади.***

**Станхоун**

*Ҳар нарсанинг вақтини аниқласа бўлади, инсон фақат ўз ўлимининг вақтини билмайди.*

***Дунёда қанча оч-яланғоч ва муҳтожларни кўрган бўлсанг, билгинки, булар вақт қадрига етмаган инсонлар бўлади.***

*Вақтнинг бир лаҳзасини ҳам бекор ўтказма, энг катта исрофгарчилик ҳам аслида шу.*

***Мен ўз душманларим устидан кўпинча шу боисдан ҳам ғалаба қозонганманки, улар уч-тўрт дақиқа давомида нима бўлаётганини онглай олмай турганларида мен ушбу қисқа муддатнинг қадр-қиймати ва аҳамиятини жуда яхши тушуниб етганман.***

**Наполеон**

**Тўпловчи: ШАРОФ МИРЗАЕВ**

*Бугуннинг саволи*

## СУВНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Халқимизнинг «Сувтекин кетди» деган гапи бор. Бу арзон-гаровга сотилган нарсага нисбатан гапирилади. Маълумки, ҳар бир сўзнинг тарихи ва ўзига хос маъноси мавжуд. «Сувтекин» сўзи ҳам бундан мустасно эмас. Ўтмишда бизда сув сотилмаган. Чанқаганга сув бериш савоб, яъни оддий инсоний бурч саналган. Албатта, у вақтлар «экология» деган муаммолар йўқ бўлган ҳисоби.

Бугун тараққиёт ўзгарди. Баъзан кечанинг гапи бугунга тўғри келмай, ўзининг долзарблигини йўқотиб ҳам бормоқда. Жумладан, бугун текинга ҳеч ким сув бермайди. Бу — замон талаби. Шу боисдан бўлса керак, ҳамма ерда сув савдоси авжида. Серқуёш юртимизда бунга жуда катта эҳтиёж бор. Ҳозир ана шу талабнинг натижаси ўлароқ, мамлакатимизда чанқовбосди ичимликларнинг кенг турдаги савдоси такомиллашди ҳамда улар юқори суръат билан аҳолига хизмат қилмоқда. Машҳур «Кока кола», «Фанта», «Спрайт»ларни қўя туринг, махсус идишларга қадоқланган «Бонакуа», «Тяншан», «Тошкент», «Самарқанд», «Қарши» каби ўнлаб табиий булоқ сувларини ичсангиз, дил яйрайди. Вужуд ва руҳга тетиклик киради, ташналик чекинади. Бу яхши аммо...

Гап шундаки, улар «сувтекин» эмас. Нархи ниҳоятда қиммат. 1,5 литр сув 150-250 сўм атрофида. 0,5 литрлиси эса 60-70 сўм турса текин деб бўладими? Бир идишини айтмаса сув сахий ернинг неъмати-ку?! Барака топгурлар, мундоқ атрофга қарасалар, бўларди. Ахир ҳеч вақт сувдан арзони бўлганми ўзи? «Инсоф» деган тушунчани кимлар қандай тушунади? Инсоф билан жавоб берадиганлар борми?

**Содиқ НОРБОЕВ**

*Сабо, еткур саломимни...*

## «ЭСИЗ, ЁШЛИК» ДЕГИМ КЕЛАДИ

Ҳурматли таҳририят!

Ёшим 73 да. Урушни ҳам, тинч ҳаётни ҳам кўрдим. Лекин тинчликдан зиёда бойлик, ширин ҳаёт бўлишини ҳали билганим йўқ. Президентимиз бошчилигида ҳеч бир талофатсиз мустақилликка эришдик. Лекин, шу тинч барқарор ҳаётимизни кўролмаётганлар ҳам бор экан. Тўғри, ўтмишда ҳам сотқинлар, курси талашиб Ватанга хиёнат қилишдан ҳам тоймайдиганлар бўлган.

Мудҳиш 16 феврал воқеаларида иштирок этган хиёнаткор ёшларнинг суддаги жавобларини эшитиб, эсиз ёшлик, дегим келади.

Бизнинг ёшлигимизда ҳеч қачон бугунгидай шароит бўлмаган. Ҳозир ерни ижарага олиб меҳнат қиласанми, марҳамат. Ёки бўлмаса кўзни каттароқ очиб қаранг, ўзимизда енгил машина, ҳатто автобуслар ишлаб чиқарилаяпти. Бу замондан кечиб бўладими, ахир!

Ҳалиям, юртбошимиз Ислом Каримов қанчадан-қанча йўлдан адашганларни кечирди. Байрамларда ҳам амнистия тўғрисидаги Фармонларга имзо чекиб жиноятчиларни авф этаяпти. Бу улар учун ҳаётини ҳалолликка, элга хизмат қилиш учун бахшида этишга катта имконият. Бундай ноқобил фарзандлар ёш, ёниб турган юракларини ётга эмас, Ватанининг меҳру-муҳаббат ўтига ташлаб, ундан юртни яшнатиб ўзлари ҳам яшнаб-ёшликона юрсалар бўлмасмиди? Завол йўлдан зиён келади дейдилар. Шундай зиёнли бурилишлардан огоҳ этиб турмоқ биз катталар, ота-оналарнинг ҳам масъулиятига киради.

**Назар МУРОДОВ,**
**меҳнат фахрийси**
**Қашқадарё вилояти**

## УЧҚУДУҚ ДАРВОЗАСИ

***Ҳурматли «МТ» таҳририяти!***
***Яқинда шаҳримизга рассом, шоира, журналист Гулнора Раҳмон келган эди, у билан яқиндан танишиб, буни қарангки, ёшимиз ҳам тенглиги сабабли дугона бўлдик. Учқудуқ шаҳримизда янги қурилишлар жуда кўп. Ижодкор дугонам билан олижаноб кишилар ҳақида иккаламиз хўб суҳбатлашдик, шунда Гулнора айтдиларки, мен келаётганимда «Миллий тикланиш»га ваъда берган эдим: Газета учун жуда кўп материаллар топиб келаман деб. Мана сиз билан танишдим, Учқудуқнинг ҳаёти, яхши инсонлар ҳақида ёзиб туринг, деб айтган эди. Шу ваъдамиз қуруқ гап бўлиб қолмасмикан деб илк хабаримни ёзиб юбормоқдаман. Камчиликлари бўлса узр сўрайман.***

Ҳар ишнинг ўзига яраша масъулияти, ўзига яраша ташвишларию қувончлари ҳам бор. Бизнинг Учқудуқ Қизилқум саҳросининг қоқ ўртасига жойлашган. Кончилар, ҳайдовчилар, оддий ишчилар шаҳри. Биласизми, Учқудуқ давлат автомобил назорати идорасининг биносидан бошланади десам хато бўлмайди. Яқин-яқинларгача ҳам автомобил назорати ходимлари қишнинг аччиқ изғиринлари, ёзнинг жазирама иссиқларида эски, кўримсиз вагончада хизматларини ўтар эдилар. ДАН бошқармасига Собир ака Файзиев бошлиқ бўлиб келгач, ишлар яхши изга тушди. ДАНга замонавий шарқона усулда солинган бино қуриб битказилди. «Навоий - Зарафшон - Учқудуқ - Нукус» йўлининг нақ белига жойлашган бу бино узоқлардан кўзга ташланиб туради. У саҳрода худди ободликнинг рамзига ўхшайди. Масканда тартиб-интизомли, ўз хизматига фидокор инсонлар хизмат қиладилар.

Милиция катта лейтенанти Одил Умиров, йўл патрул хизмати бўлинмаси сардори, милиция катта лейтенанти Фурқат Хушвақтов ўз касбларини яхши биладиган, масъулиятни тўла англай олган ҳақиқий инсонлар дегим келади.

ДАН идорасида посбонларимиз ўлкамизнинг турли ерларидан келиб хизматни адо этадилар. Йўл патрул хизмати нозири Мардон Ражабов Пешкудан келиб, мана беш йилдан бери шу ерда ўз хизмат бурчини ўтаяпти. Жўраев Улуғбек эса Ўзбекистон ИИВ Академиясида сиртдан ўқимоқда. Улар халқимизнинг тинчлиги, юртимиз бойликлари, йўлларимиз осойишталигини қўриқлаб тун-кун демай ўз хизматларини дўндириб адо этмоқдалар. Узоқлардан кўриниб турадиган бу бино нечукдир одамнинг кўнглини хотиржам қилади. Учқудуқ дарвозаси ишончли қўлларда деб ўйлайсан, эл-юрт учун суюнасан.

**Ойдин ШАРИПОВА**

**УЧҚУДУҚ**

*Сабо, еткур саломимни...*

## КАМТАРИН ВА ОЧИҚКЎНГИЛЛИ КИШИЛАР ГАЗЕТАСИ

Ассалому алайкум ҳурматли ва қимматли «МТ» газетаси ходимлари!

Сизларнинг самимий кўнгилларнинг ифодаси бўлмиш «Миллий тикланиш» газетаси чиқа бошлаганининг тўрт йиллиги билан чин кўнгилдан муборакбод қиламан, ижодий ишларингиз ва шахсий ҳаётларингизда муваффақиятлар тилайман.

Мен ҳар ҳафтанинг сешанба куни беихтиёр газета - журналлар дўкони сари борар эканман, албатта, «Миллий тикланиш» газетасининг янги сонида нималар чиқди экан, деб ўйлаб бораман...

Халқимизда, камтарга камол — деган мақол бор. Камтарин одамлар очиқкўнгил ва кўнгилчан бўладилар, улар ўзгаларнинг кўнгил туйғуларига бефақ бўлолмайдилар, чунки кўнгил — Аллоҳ маскани эканлигини яхши биладилар.

Сизларнинг Ватанимиз ва миллатимизнинг тарихий қадриятларини тиклаш йўлидаги саъйи-ҳаракатларингиз тобора, ривожланиб, камол топиб боришига тилакдошман. Халқимизнинг севимли шоири Ғафур Ғулом ўз вақтида:

**Азиз асримизнинг азиз онлари**
**Азиз одамлардан сўрайди қадрин —**
**Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла**
**Безамоқ чоғидир умр дафтарин -**

деган эканлар. Бугунги кунларимизга келиб эса, Азиз асримизнинг азиз онлари тобора поёнига етиб бормоқда. Бугунги кунларимизнинг ажойиб қўшиқларидан бирида айтиладиган:

— «Узат дейсан, бер дейсан, ҳеч қўймадинг,
одамзот»...

дейилган оҳанглар ёдга келади. Фурсат ғанимат бўлгандан кейин шундай бўлса керак-да. Ҳазил. Қолаверса — «Кулинг, умрингиз узоқ бўлади».

**Камтарлик дарахтин ўтказсанг агар,**
**Муҳаббат мевасини ейсан ҳар қачон!**

**Муиниддин ЖУВАЙНИЙ**

**Салом билан**
**Камолиддин Беҳзод номидаги**
**Миллий Рассомлик ва Дизайн**
**институтининг Амалий санъат**
**факултетининг талабаси,**
**Муҳаммадшариф РАШИДОВ**

